

Умматова Чарос Абдухаликовна
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти
“Графика” кафедраси ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИРИГА МИНИАТЮРА САНЪАТИ **АНЪАНАСИНИ УЙҒУНЛАШТИРГАН УСТОЗ РАССОМ**

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровнинг ҳаётий, ижодий ва устозлик фаолияти ҳақида ва Ўзбекистон тасвирий санъатини ривожига учун яратиб қолдирган маҳобатли безак асарлари ҳамда уни шогирдлари ижодида давом этаётганлиги ҳақидаги фикрлар баён қилинади.

Калит сўзлар: Чингиз Аҳмаров, маҳобатли рангтасвир, деворий миниатюра санъати, лирик асарлар, ўқитувчи, “Устоз ва шогирд” анъанаси, Алишер Навоий.

Аннотация: В статье излагается о Народного художника Узбекистана, Художника монументалиста, и о его творческой и преподавательской деятельности для воспитания учеников по изучении монументального и миниатюрного стенного росписа и внесшего огромного вклад в развитии изобразительного искусства Узбекистана.

Ключевые слова: Чингиз Ахмаров, темпера, левкас, лирические произведения, художник, монументалист, творческий, педагогический деятельность, стенной роспись, миниатюрная искусства востока.

(Чингиз Аҳмаров)

Ўзбек миллий тасвирий санъатида Чингиз Аҳмаров ижоди алоҳида ўрни тутди. Асарларида улғу мутафаккир Алишер Навоийнинг нозик лирикасини гўзал акс эттирган рассом 1912 йилда Челябинск вилоятида таваллуд топди. Бадиий таълимни Перм шаҳри бадиий техникумида (1927-1930) маҳобатли рангтасвир йўналиши бўйича тахсил олди.

1935-1942 йилларда В.Суриков номидаги Москва бадиий институтида рангтасвир сирларини ўрганиб, ижодида шарқ миниатюраси анъаналарини чуқур ўрганиб, давом эттириб, миллий мусаввирлик мактабини яратди. Чингиз Аҳмаров ўзбек тасвирий санъатининг миллий ўзига хослиги борасида халқнинг бой ва гўзал бадиий меросининг илғор анъаналарини ҳозирги замон санъатига ижодий асосда сингдиришда фаол хизмат қилди.

Асарларида ижодкорлик руҳи билан яшаётган замондошларининг гўзал ва ёқимтой, табиати мураккаб ва нафис қиёфалари тасвирланади. Ижодини 1930- йилларда дастгоҳ рассомлиги ва графика соҳасида асарлар яратиш билан бошлаган ижодкор “Муштум”, “Машъала” журналларида фаолият олиб борган. Дастгоҳли рангтасвир йўналишида “Қиз портрети”, “Бола портрети”, “Акам портрети” ва бошқа асарларини яратган.

Шуни айтиш керак-ки, Чингиз Аҳмаровни шарқона нафосатга бой асарлари рассом услубининг яратилиши ва танилишида муҳим ўрин эгаллайди. Чингиз Аҳмаров 1950- йиллардан кўп қиррали ижодкор сифатида кўзга ташланди. Рассомнинг портрет, театр ва фильмлар учун ишланган декорациялари, китобат санъати соҳасидаги ижоди ва турли маиший мавзулардаги асарлари, амалий санъат намуналари учун чизган безаклари нафақат

Ўзбек миллий рангтасвирининг услубий жиҳатдан бойишига, балки ёш ижодкорларга ўз йўналишларини аниқлашларида намуна бўлиб хизмат қилди.

Рассомнинг М.Турғунбоева, рассом Р.Темуров, шоира Зулфия, Ҳалима Носирова, “Ёш Навоий” портретлари образнинг ички характери талқин қилишдаги бутунлай ўзгача ёндашуви билан ажралиб туради¹. Рассомнинг театр спектакллари ва кинофильмларга ишлаган декорация эскизлари, хусусан М.Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” фожиаси (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри, 1964), “Улуғбек юлдузи”, “Икки дил достони” фильмлари учун ишлаган безаклари, Ойбекнинг “Навоий” романи (1951), “Равшан” эпоси (1958), маиший мавзулардаги “Бухороча рақс”, “Хоразмча рақс” (1971), амалий санъат буюмлари учун чизгилар рассомнинг миллий тарих, миллий маданиятни чуқур билиши ва ҳис қилишини исботлади².


Темурийлар даври маданияти, хусусан Алишер Навоий лирикасининг гўзал намуналарига ишланган Ч.Ахмаров асарларида ўз ифодасини топди. Шарқ санъати, айниқса миниатюра ва деворий рангтасвир анъаналарига таянган ҳолда яратилган асарлар нафислиги билан ажралиб туради. Рассомнинг Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театри ва А.Навоий номидаги Адабиёт музейи (1960-70йил ишлаган асарларида), Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Санъатшунослик институти, Тошкент метрополитенинг Алишер Навоий бекатига ишланган асарларда ўзбек маданияти ва ўрта асрлар фалсафаси ўз ифодасини топди.

Чингиз Ахмаровнинг Алишер Навоий асарлари, хусусан “Хамса” дostonларига ишланган асарларида гўзал маликалар сиймоси етакчилик қилади. Милий либослардаги, гоҳ рақс тушаётган ҳолатдаги, гоҳ оҳиста қадам босаётган, гоҳ юзига ҳарир парда тутган қиёфада тасвирланган образларда ўхшашлик сезилади. Бунинг ўзга яраша сабаблари бор. Аввало рассом маликалар сиймосини фақат миллий қиёфада тасвирлашни мақсад қилган ва уларда миллий хусусиятларнинг умумий жиҳатларини бирлаштиради. Шунингдек, рассом маликалар образини яратишда прототип сифатида биринчи ўзбек аёл рассоми Шамсрўй Хасанованинг қиёфасини олганлиги айрим маълумотларда келтирилади. Айниқса ижодкорнинг “Фарход ва Ширин” дostonи қахрамонларидан “Ширин” портретида бу ҳолат яққол сезилади. Бу асар 1945-йилда яратилган бўлиб ҳозирда “Ўзбекистон Давлат санъат музейи” каллекциясининг энг нодир асарларидан бири ҳисобланади. Ширининг шарқона чехраси, либослари ҳатто хатти – ҳаракатидаги ҳолатлар бир – бири билан уйғунлашиб ўта маҳорат билан тасвирланган. Бу портретда бошлари бир оз эгилган, нозик қарашлари билан эшик ёнида турган Ширининг тўлиқ қомати акс эттирилган. Бундай асарларда Навоий бобомиз орзу қилган ўзбек аёлларига хос гўзаллик, ифбатлилик ва Ширининг кўзларида ўзининг севиқли ёри Шамсрўй Хасанованинг қиёфасини Чингиз Ахмаров бўёқлар орқали жонли тасвирлашга муваффақ бўлди³.

¹ Мирзарахимов М. Проблемы композиции в живописи Узбекистана. Т.: “Шарқ”, 2006 й. 19-Б.

² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси нашриёти, 1-жилд, 819-Б.

³ Х.Хасановнинг рассом Ш.Хасанованинг жияни Еркин Каримов билан суҳбатидан. 20 декабр 2016 й.



Ўтган асрнинг 50 йилларида Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри биносининг қурилиши бошланиб, унинг фойесини безаш ишлари ёш рассомга топширилди. У ерда Чингиз Ахмаров ўзининг севиқли ёри ва шогирди Шамсрўй Хасанова билан бирга 1944-1947 йиллар давомида саккизта композиция яратди. Бир хил услубдаги тўртта фреска театрнинг биринчи қаватига зийнат бағишлади. Уларнинг ҳар бирида куй, тасвирий санъат, рақс, шеъриятнинг рамзий ифодаси сифатида гўзал қизлар образи тасвирланган⁴. Бинонинг иккинчи қаватида Алишер Навоийнинг “Хамса”сига кирган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Саддий Искандарий”, “Сабъаи сайёр”. дostonларидаги кульминацион эпизодларга бағишланган Шеърият руҳини сақлаган ва образлар борлиғига чуқур кирган ҳолда рассом буюк шоир асарларидан ўзининг ўқиганларини ва унинг тасвирини томошабин ҳукмига ҳавола этади. Композициялар декоративлиги, гўзаллиги, муסיқавийлиги каби миниатюра санъатининг классик намуналари руҳида яратилган тасвирий воситаларни, Европа тасвирий санъатининг тажрибалари билан бойитади. Мана шундай хусусиятлари деворий тасвирларни театр интерьерлари билан табиий сингиб кетишига олиб келди⁵.

Чингиз Ахмаров 1968 йилда Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг залларига маҳобатли рангтасвир асарини яратди. “Навоий лирикаси” номини олган ушбу композицияда буюк шоирнинг асарларидаги образларнинг рамзий ифодаси сифатида турли миниатюра услубидаги асарларни ишлади. Унда ўзгача меҳр билан навоий ғазалларида тасвирланган гўзал қиёфаси, шеъриятга ошно қалбнинг маъсум қиёфаси, куй чалаётган ёш йигит ва қиз, ишқ шаробини ичган севишганларнинг романтик кайфияти, ўз тасавуридаги гўзални тасвирлаётган Моний, шеър ўқиётган шоирнинг умумлашма бадий образлари ўз ифодасини топди. Миниатюрага хос услубда яратилган ушбу маҳобатли асари Алишер Навоийнинг бутун ижодини ўзида мужассам этган. Мазкур қадимий шарқ миниатюра санъати анъаналарини илк бор Алишер Навоий театри биноси ичидаги деворларда қўллаши билан бир вақтда Ўзбекистон маҳобатли рангтасвир йўналишига илк марта миниатюра услуби асосидаги янгича йўналишда ўзига хос янгиликни олиб киришга муваффақ бўлди.

Чингиз Ахмаровнинг ижодий фаолияти ҳақида санъатшунослик доктори А.Ҳакимов 2018 йил Олий бадий ўқув юртлари учун нашр қилган “Ўзбекистон санъати” дарслигининг Ч.Ахмаровга таллуқли фикрларини қуйидагича изоҳлаган. “Рассомлар мавзули асарлар яратиш билан бир вақтда тез-тез шарқ санъати меросига, хусусан миниатюра мурожаат қилишган. (1947) рассом Ч.Ахмаров А.Навоий номли опера ва балет театри фоесига ишлаган деворий суратларида ўзига хос образли ечимни қўллаган. Рассомни доим халқ эпоси ва ўзбек классиклари - А.Навоий, Нодира, Муқумий каби шоирларнинг шеърияти тўлқинлантирган. Ч.Ахмаров 1960-йили Тошкентдаги Шарқшунослик институти

⁴Умаров А. Чингиз Ахмаров (Ўзбекистон санъат усталари). Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 й. 10-б.

⁵Умаров А. Чингиз Ахмаров (Ўзбекистон санъат усталари). Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 й. 17-б.

вестюбелига ишлаган деворий суратларида рассомнинг маҳоратли рангтасвирнинг такрорланмас, беқиёс устаси сифатидаги маҳоратини очди.”(6).

Шу билан бир вақтда устоз санъаткор П.П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида педагогик фаолиятларини олиб борган вақтларида ҳозирги кунда Ўзбекистонда танилган рассомлар ҳисобланмиш Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, А.Икромжонов, Темур Садуллаев ва Содиқ Раҳмонов сингари шогирдларига тасвирий санъатнинг маҳобатли рангтасвир сирларини ўргатишга муяссар бўлган.

Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, А.Икромжонов ҳамда Т.Садуллаевлар билим юртида устоз Ч.Аҳмаров билан А.Навоий номидаги Адабиёт музейи ёки Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти каби бир қанча биноларнинг ички деворларини деворий суратларини безаш ишларида содиқ шогирдлар сифатида “Устоз ва шогирд” анъанасини баракали тарзда гўё устознинг ўғилларидек сидқи дилдан ишлашган. Шунинг учун бўлса керак, Ж.Умарбеков билим юртида диплом ишларини мавзусини “Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг ёшлиги” мавзусида маҳобатли миниатюра санъатининг услубида левкасга темпера бўёқлари билан амалга оширганлар. Сўзсиз мазкур ишда устоз бошлаган миниатюрани шогирдлари давом эттиришни бошлашган. Б.Жалолов ўзларининг ижодлари давомида устоздан ўрганган деворий миниатюрани кўплаб маҳобатли асарларида қўллашга эришган. А.Икромжонов ҳам рангтасвирчи рассом сифатида ижод қилсада, лекин ўрни келганда устоздан эгаллаган маҳобатли суратларида ва дастгоҳли рангтасвирларида миниатюра тасвирий услубларида бир қанча асарларини ёзиб, кўргазмаларда намойиш қилган. Темур Садуллаев ҳам устознинг шогирди сифатида кўп йиллар давомида А.Навоий номли адабиёт музейида рассом лавозимида фаолият олиб бораган йилларида музейнинг алоҳида залларига деворий миниатюра услубида, бироқ ўзига хос услубда асарларни ифодалашга муваффақ бўлган. Навбатдаги устознинг содиқ шогирди Содиқ Раҳмонов ҳозирги кунгача минатюранинг устоз ўргатган услубдан ўзгача ва ўзига хос услубда ижод қилиб келади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Чингиз Аҳмаров шарқ миниатюра анъаналарини давом эттириб, замонавий услублар билан бойитган ҳолда ўзига хос янги бадиий мактаб яратди. Суратларда миллий туйғу ва анъаналарни гавдалантира олди. Ўзбек халқининг тарихи, улуғ мутафаккирлари сиймолари, гўзаллик тимсолларини шундай бир жозибали тасвирланадики, ҳали ҳеч бир рассом Чингиз аканинг мўйқаламига хос бундай хусусиятларни жамлаштира олгани йўқ. Чингиз Аҳмаров Ўзбекистон тасвирий санъатида миллий анъаналарни шарқона бўёқларга тўйинтириб ва ўзига хос миллий характерни тўлалигича ифодалаб бера олган юксак истъедод эгасидир.

Адабиётлар:

1. Х.Мирзараҳимов. Проблемы композиции в живописи Узбекистана.Т.: “Шарқ”, 2006й.19-б.
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, Т. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси нашриёти, 1-жилд, 919-б.
3. Х.Хасановнинг рассом Ш.Хасановнинг жияни Эркин Каримов билан суҳбатидан. 20 декабр 2016й.
4. А.Умаров. Ч.Аҳмаров. (Ўзбекистон санъати усталари.) Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979й. 10-б.

5. А.Умаров (Ўзбекистон санъати усталари). Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979й. 17-б.

6. А.Ҳақимов. Ўзбекистон санъати тарихи. Тошкент-2018. “Info Capital Grup”. 225-б.